20__ A
nomidagi
O'zbekiston MK

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 13 апрель • № 14 (1191)

## МАНАС ҚИШЛОҒИНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

### инсонлари қадр топган юрт

**Бугунги кунда республикамизнинг қайси бир гўшасида бўлмайлик, аввало, бунёдкорлик, тадбиркорлик, қолаверса, ҳар бир йўналишдаги қизғин жараёнларнинг гувоҳи бўламиз. Бу каби янгиланиш ва ўзгаришларни кўриб, ана шундай жаннатмонанд юртда яшаётганимиздан ифтихор туйғусини ҳис этамиз. Ҳа, албатта, бундай ишларга раҳнамолик қилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шижоати ва халқимизга кўрсатаётган эътибор ҳамда ғамхўрлигидан барчамиз мамнун бўлмоқдамиз.**







Айниқса, Юртбошимизнинг мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлиб, аҳолининг турмуш тарзи билан яқиндан танишиб, улар билан ҳамфикр бўлаётганликлари ва бераётган таклифлари туфайли айни пайтда жойларда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 30 март куни Жиззах вилоятига қилган ташрифлари юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин далилидир. Давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг 28 апрель куни Жиззах вилоятида бўлиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари билан танишиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳамда янги иш ўринлари яратиш бўйича масъул шахсларга тегишли топшириқлар берган эдилар. Шу муносабат билан ўтган давр мобайнида вилоят миқёсида самарали ишлар амалга оширилди. Мазкур ташриф чоғида Президентимиз Зафаробод тумани, Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими 2-сон ички ишлар бўлинмасида бўлиб, берилган топшириқлар бўйича бажарилган фаолиятлар

(Давоми 2-бетда).




*Тажриба ва амалиёт*

## ОТА ФАРЗАНДИГА ҲАЁТ БАҒИШЛАДИ



**Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида илк бор болаларда буйрак кўчириб ўтказиш операцияси муваффақиятли амалга оширилди.**

***Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг таклифига биноан 2017 йил 25-26 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркияда бўлган эди. Ташриф доирасида бошқа соҳалар қаторида соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ҳамкорликни ривожлантиришга доир ҳужжатлар қабул қилинганди. Бунинг натижасида икки давлат соғлиқни сақлаш соҳасида ўзаро тажриба алмашинув ва маҳорат дарслари, малакали шифокорлар томонидан мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб келинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири куни кеча пойтахтимиздаги етакчи тиббиёт муассасаларида ҳам амалга оширилди.***

**2018 йил 6 апрель куни Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида соҳа ривожига қаратилган халқаро симпозиум бўлиб ўтди.** Тадбирда мамлакатимиз олимлари, шифокорлар билан бир қаторда, Туркия давлатидан келган етакчи мутахассислар, Туркия шошилинч тиббий ёрдам врачлари ассоциацияси президенти, профессор Башар Жандар иштирок этиб, тиббиёт, хусусан, шошилинч тиббий ёрдамнинг олдида турган вазифалар, халқаро тажрибалар хусусида фикр алмашишди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда тиббиёт муассасаларини замонавий стандартларга мувофиқ янада такомиллаштириш, аҳолига ўз вақтида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ҳамда юксак профессионал салоҳиятга эга юқори малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

# МАНАС ҚИШЛОҒИНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

## инсонлари қадр топган юрт

билан танишиб, керакли тавсия ва маслаҳатларни берди. Шунингдек, вилоятнинг бир гуруҳ нуронийлари билан бўлиб ўтган учрашувда, мамлакатимиз ва халқаро аҳамиятга доир масалалар хусусида фикрлар билдирилди. Шу билан бирга, Жиззах шаҳри, Мустақиллик кўчасида барпо этилаётган кўп қаватли арзон уй-жойларни кўриб, янги қурилаётган уй-жойлар лойиҳалари билан танишди. Бунинг баробарида вилоятда ичимлик суви тизимини ривожлантириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлаб, аҳолини

ердаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан қисқа муддат ичида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, дастур доирасида сизот сувлари сатҳи кўтарилишини бартараф этиш учун 41 км. узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди, икки қаватли 34 та уйнинг томи қайта ёпилди. Уй-жойлар атрофидаги режасиз қурилишлар ўрнида янгидан ёрдамчи бинолар, тандирхоналар қурилди. Мевали ва 10 минг тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Айниқса, замонавий кўринишдаги 31 та савдо дўкони, новвойхона, ҳам-

шимиз бундай ўзгаришларни кўриб, бунёдкор халқимиз меҳнати таҳсинга лойиқ эканлигини эътироф этган ҳолда 27-оилавий поликлиникадаги шароитлар билан танишди. Тиббиёт муассасасида хизмат қилаётган соҳа ходимлари билан суҳбат чоғида қуйидаги фикрларни билдириб ўтди: – Жойларда замонавий тиббиёт муассасалари барпо этаётганимиз яхши, албатта. Эндиги талаб ушбу муассасаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишдан иборат бўлиши керак, дея таъкидлаб ўтдилар.



**Ориф ота ва Ҳожар ая УММАТОВЛАР:**

*– Куни кеча қишлоғимизга ташриф буюриб, биз каби нуронийларга ўзининг дил сўзларини айтган, қолаверса, гўзал масканни барпо этиб кетган Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдириб, қўлларимизни дуога очамиз. Бу янгилик биз учун гўёки тушдек бўлди. Кўчаларни айланар эканмиз, бундай кенг имконият, ўзгаришлар эртанги ўсиб келаётган фарзандларимиз учун энг катта туҳфа, десак хато бўлмайди. Айниқса, "Обод қишлоғи" дастури бўйича ҳар бир хонадонда қайта қуриш ишлари кетяпти. Биз ҳам уйларга дид бериб, набираларимизнинг тўйларига тайёргарлик кўряпмиз. Айниқса, саломатлигимиздан тез-тез хабар олаётган патронаж ҳамширалари меҳнатидан хурсандмиз. Оилавий поликлиникани кўриб, кўзларимизга ишонмадик. Бундай шароитлардан қувонмай бўладими? Кундан-кунга яшнаб бораётган юртимизга кўз тегмасин.*



ҳозлари, патронаж сумкалари, компьютерлар ва барча тиббий асбоб-ускуналар аҳоли хизматида эканлигини кўриб, инсонлар бу каби шароитлардан мамнун эканлигини гувоҳи бўлдик.

**Равон йўллардан борар эканмиз, йўлимизда учраган манасликларнинг юзларидаги табассуми, қалбларидаги хушкайфиятни кўриб, хонадонларга ташриф буюрдик. Чароғон кўчасида истиқомат қилаётган 90 ёшдан ошган Ориф ота ва Ҳожар аяларнинг хонадонларига кирганимизда ўғли Даврон Умматов бизни илиқлик билан кутиб олди...**

тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича бор куч-имкониятни ишга солиш бўйича раҳбарларга кўрсатмалар берди. Ташрифнинг яна бир аҳамиятли томони шунда бўлдики, давлатимиз раҳбари Дўстлик туманидаги Манас қишлоғида бўлганларида "Обод қишлоқ" дастури бўйича замонавий қиёфа кашф этган мўъжазгина масканни кўриб, мамнун бўлдилар. Аввало, "Манас" қишлоқ фуқаролар йиғинида Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалик тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Юртбошимиз Манас қишлоғида барпо этил-



**Феруза ЖЎРАҚУЛОВА, Чароғон кўчаси фуқароси:**

– Айни пайтда ҳомиладорман. Поликлиникамиздаги шифокор, доя ҳамда патронаж ҳамширалари туғруқ ёшидаги аёллар саломатлигига катта эътибор қаратишади. Айниқса, соғлом фарзанд туғилиши учун поливитаминларни бериш билан бирга «Она ва бола» скрининг марказидан ўз вақтида ўтишимизни таъминлаб боришади. Шунингдек, белгиланган кунда тиббий кўриклардан ўтказишади. Замонавий оилавий поликлиникани ташкил этилгани бизга янада кенг қулайликлар яратди.

**Гулнора НОРБОЕВА, патронаж ҳамшира:**

*–12 йилдан буён мазкур поликлиникада ҳамшира лавозимида фаолият юритиб келмоқдаман. Кейинги йилларда Юртбошимиз томонидан бирламчи тизим фаолиятига бўлган эътибор ҳамда соҳага оида чиқарилаётган қарорлар ижроси бўйича ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 112-сонли буйруғи асосида иш олиб бормоқдамиз. Мен патронаж ҳамширалик фаолиятим давомида 9 та контингент, яъни парваришга муҳтож, катта ва ногиронлар, ёш оилалар, 1 ёшгача бўлган болалар, ногирон болалар, ҳомиладор ва янги туққан аёллар ҳолидан хабар олиш, эмлаш ва эмлашдан кейинги натижалар, сурункали касалликлар ҳамда хонадоннинг тиббий санитария ҳолати бўйича иш олиб бораман. Ҳар шанба куни "Саломатлик мактаби" бўйича мактаб биносининг маънавият хонасида масъуллар билан ҳисобот йиғилиши ўтказилади. Давлатимиз томонидан бизга катта имкониятлар яратилган экан, булардан оқилона фойдаланган ҳолда аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилишни асосий бурчим деб биламан.*



ган бир-биридан қолишмайдиган янги иншоотлар, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларини кўриб, қишлоқ аҳлининг ғайрат ва шижоатини эътироф этдилар. Ўтган асрнинг 60-йилларида вилоятнинг энг чекка ҳудудида барпо этилган Манас қишлоғида айни кунда 6,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Айтиш ўринлики, инфратузилма иншоотлари, кўча ва йўллар, ичимлик суви, иссиқлик, электр энергияси таъминоти, маданий-маиший хизмат кўрсатиш талабга жавоб бермаслиги туфайли аҳоли қийналиб яшаётган эди. "Обод қишлоқ" дастури асосида бу

(Давоми. Боши 1-бетда).

момнинг қурилганлиги, 500 ўринли "Манас" маданият саройи тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, маданий-маърифий масканга айлантирилганлиги ҳамда қишлоқ врачлик пункти қайта реконструкция қилиниб, унинг ўрнида 500 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиниканинг ташкил этилганлиги қишлоқ аҳлига катта қувонч бағишлади. Манас қишлоғининг келажаги бўлган ёшлар таълим олаётган 2 та умумтаълим мактаби таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Уларда ўқув ишлаб чиқариш устахонаси барпо этилиб, дурадгорлик, чилангарлик, тикувчилик дастгоҳлари билан таъминланди. 17 та болалар майдончаси, 2 та мини-футбол майдони ва 250 ўринли стадион барпо этилди. Юртбо-

Давлатимиз раҳбарининг Жиззах вилоятига қилган ташрифларини оммавий ахборот воситалари орқали кузатганимизда юртимизда "Обод қишлоқ" дастурининг амалга оширилиши, чекка ҳудудларда яшаётган миллионлаб юртдошларимиз ҳаётини яхшилашга, уларга муносиб турмуш тарзи яратишга қаратилган долзарб вазифа эканлигини ҳис этган ҳолда ушбу Манас қишлоғида хизмат сафарида бўлдик. Дастлаб, қишлоқ фуқаролар йиғини биноси олдидан ўтар эканмиз, унинг ён-атрофларидан ўрин олган янги иншоотлар, йўл ёқасидаги ободончилик ишлари, маданият саройи, 27-оилавий поликлиника ҳамда барча муассасалар ҳовлисидаги анвойи гуллар, манзарали дарахтлар ва мусиқий фавворалар баҳри-дилимизни очди. Бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланган инсон саломатлиги йўлида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам бундан мустасно эмас. Шундай экан, Манас қишлоғида жойлашган 27-оилавий поликлиника фаолияти билан танишиш мақсадида ушбу муассасага ташриф буюрдик. У ердаги шароитлар шаҳар оилавий поликлиникаларидан асло қолишмайди. Умумий амалиёт шифокори қабулида ўтирган аҳолини суҳбатга тортар эканмиз, улар бир неча йиллар давомида фаолият олиб




борган, шароити етарли даражада бўлмаган қишлоқ врачлик пункти ўрнида замонавий оилавий поликлиниканинг ташкил қилинганлигини эътироф этишди. Муассаса фаолиятини зимдан кузатар эканмиз, қабулхона, муолажа, стоматология, лаборатория, зарарсизлантириш, умумий амалиёт шифокори, тор соҳа мутахассисларига мўлжалланган хоналар, шунингдек, кундузги шифохонанинг давр талаби асосида жиҳозланганлигини кўриб, ҳақиқатан ҳам юртимизнинг чекка жойларида ана шундай шароитларнинг мавжудлиги инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилганлиги билан диққатимизни ўзига тортди. Шунингдек, УТТ, стоматологик жамланма, лаборатория жи-

(Давоми 3-бетда).

# МАНАС ҚИШЛОҒИНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

## инсонлари қадр топган юрт



**Буҳалима ЖУЛМАТОВА,**
**умумий амалиёт шифокори:**

*– Ўтган йили Самарқанд давлат тиббиёт институтини тугатиб, Манас қишлоғидаги ҚВПда иш бошладим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биз каби ёш шифокорларга яратиб бераётган шароитларидан мамнунман. Айниқса, қишлоғимиз ҳудудида замон талабига жавоб бера оладиган оилавий поликлиниканинг ташкил этилганлиги аҳолимизнинг бир неча йиллик орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Юртбошимиз шифо масканимизга ташриф буюрганларида, аввало, жамоамиз ходимларига ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда, Манас халқининг саломатлиги учун астойдил хизмат қилишимизга катта ишонч билдирдилар. Ёш шифокор сифатида айтмоқчиманки, поликлиникамизда шароитлар етарли бўлсада, тор мутахассисларга эҳтиёж мавжуд. Шунингдек, электрон тизим яратилган бўлсада, интернет тармоғи муаммо бўлмоқда. Бундан ташқари, фаолиятда ташкилий ишларга катта эътибор қаратиш зарурлиги сезилмоқда. Ўйлайманки, жамоага ташаббускор, бугунги кун нафаси билан яшайдиган, билим ва тажрибаси етадиган раҳбар тайинланса, ишларимиз янада ўз самарасини беради.*

**Дилфуза КАРИМОВА,**
**муолажа ҳамшираси:**

*– Мана, 19 йилдирки, Манас қишлоғидаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдаман. Бугунги қувончларим чексиз. Бундан бир неча йиллар олдин шароити талабга жавоб бермайдиган ҚВПда ишлаган бўлсак, айни пайтда ишлашимиз учун барча шароитлар муҳайё бўлган шифо масканида фаолият юритиш бошқача экан.* ***2018 йил мен учун жуда бахтли йил бўлди. Поликлиникамизга ташриф буюрган Президентимиз биз билан юзма-юз гаплашиб, катта ишонч билдирдилар. "Ҳамширалар, сизлардан умидим жуда катта, кўзларингиз нури порлаб, қалбингизда ғайрат ва шижоат жўшганлигини кўриб турибман.*** *Албатта, Манас аҳолисининг саломатлиги учун астойдил хизмат қилишларингизга аминман", дея эътирофли фикрларни билдирдилар. Шу онда қалбимда самимий туйғулар туғён уриб, ана шундай жаннатмонанд юрт фарзанди эканлигим ҳамда ҳамширалик касбини танлаганимдан мамнун бўлиб, халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилишга юртбошимиз ишончини оқлашга бор кучимни сарфлайман.*



**Абдували ота ТУРДИБЕКОВ,**
**Манас қишлоғи фуқароси:**

*– Айни пайтда 63 ёшдаман. Юртимизда бўлаётган ўзгаришларни кўриб, жуда хурсанд бўлар эдим. Қарангки, ана шундай қувончли кунлар Манас қишлоғига ҳам кириб келди. Бугун мўжазгина қишлоғимизга келсангиз, олдинги Манасдан асар ҳам қолмаган. Бу албатта, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бўлган тарихий воқеадир. Қисқа муддат ичида янги замонавий биноларнинг қад кўтариши, умумтаълим мактабларининг қайта таъмирланиши, нонвойхона, мактабгача таълим муассасалари, оилавий поликлиниканинг янгича қиёфа касб этиши барчамизни лол қолдирди. Айниқса, равон йўллар, анвойи гуллар ҳамда манзарали ва мевали дарахтлар инсон қалбига завқ бағишлайдиган бўлди. Ҳаммасидан қувонарлиси, тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлаётган аҳолининг мамнунлигини айтмайсизми... Бундай эзгу ишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилганлигининг амалдаги ифодасидир. Шу билан бирга, қишлоғимизга чирой бериб турган 27-сонли оилавий поликлиника хизматидан баҳраманд бўлаётган ҳар бир фуқаромиз, шифокор ва ҳамширалардан мамнун бўлишмоқда.*

**Биз хизмат сафаридан қайтар эканмиз, бундай эзгу ишлар ва кенг имкониятлардан мамнун бўлган Манас қишлоғида истиқомат қилаётган инсонларнинг қувончларига шерик бўлдик. Эътирофга молик жиҳати шундаки, патронаж ҳамширалар билан суҳбат ўтказиб турган чоғимизда Президентимиз ташрифидан ниҳоятда мамнун бўлган патронаж ҳамшира Гулнора Норбоеванинг қуйидаги шеърий мисралари қалбимизни янада тўлқинлантирди.**

*Юрагим шодликка тўлиб кетди,*
*Денгиздай ҳайқириб тошиб кетди.*
*Бу қувонч фақат бир меники эмас,*
*Обод қишлоғим мақсадга етди.*

*Халқим таъзимда Юртбошим сизга,*
*Юртим ободлиги, тинчлиги учун.*
*Фарзандлар камоли, соғлиғи учун,*
*Кўрсатган жасорат, меҳрингиз учун.*

*Халқим сизни дуо қилмоқда.*
*Юраги айтмоқда, кўзи айтмоқда,*
*Ҳатто, гўдагимнинг митти юраги*
*Обод қишлоғим учун урмоқда.*

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Манас қишлоғидек обод ва кўркам масканлар кўпаяверсин.**

**(Давоми. Боши 1,-2,-бетларда).**

**1,2,3-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.**

*Тажриба ва амалиёт*

# ОТА ФАРЗАНДИГА ҲАЁТ БАҒИШЛАДИ

Мазкур жараён мамлакатимизнинг шошилинч тиббий ёрдам хизмати фаолиятида ҳам татбиқ этиляпти. Шу билан бирга, соҳа ривожига давлат даражасида эътибор қаратиб келинаётгани ҳам унинг нақадар муҳимлигини исботлайди. Бу борада Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 2017 йил 16 мартдаги "Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 25 январдаги "Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларида белгиланган вазифалар изчиллик билан бажарилиши натижасида тез тиббий ёрдам шифохоналари фаолияти янада яхшиланмоқда. Жумладан, 2017 йилда тез тиббий ёрдам хизмати учун 1 минг 269 та ихтисослашган автотранспорт харид қилинди ва жойларга етказилди. Дори-дармон ҳамда тиббий буюмлар билан таъминлаш эса 2 баробарга кўпайди. Бунинг баробарида, тез тиббий ёрдам хизматининг соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини муассасалари билан самарали интеграциясини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, жаҳон тиббиёти ва илм-фан ютуқларини чуқур ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланди.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш борасида жаҳон тиббиёти ва илм-фан тизимидаги янги технологияларни ўзлаштиришга бағишланган мазкур халқаро анжуман доирасида Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Абдуҳаким Хаджибаев ва Туркия шошилинч тиббий ёрдам врачлари ассоциацияси президенти, профессор Башар Жандар ҳамкорлик битимини имзолашди. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Туркия шошилинч тиббий ёрдам врачлари ассоциацияси 3 минг нафардан зиёд малакали олим ва шифокорларни ўз сафида жамлаган бўлиб, дунёда етакчи тиббий-илмий тузилмалардан бири ҳисобланади.

**Башар ЖАНДАР,**
**Туркиянинг шошилинч тиббий ёрдам врачлари ассоциацияси президенти:**

— Аввало, мамлакатингизга ҳамкасбларим билан келганимдан мамнунлигимни билдирмоқчиман. Ўзбекистон менинг ота юртим ҳисобланади. Мамлакатингиз дунё ҳамжамиятида алоҳида ўрин тутади. Сўнгги пайтларда жадал суратларда ривожланмоқдаки, ҳатто Туркиядан илгарилаб бормоқда, десам хато қилмаган бўлар эдим. Хусусан, тиббиёт соҳасида ҳам. Ушбу симпозиум шошилинч тиббий ёрдам борасида халқаро амалиётларни ўзлаштириш, ўзаро тажриба алмашишга замин яратди. Тиббиётнинг мазкур йўналишидаги муаммоларни бартараф этишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Юртингиздаги шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази билан ҳамкорликда иш олиб бориш учун меморандум имзоладик. Унга кўра, туркиялик шифокорлар Ўзбекистонга, ўзбекистонлик соҳа ходимлари эса Туркияга бориб, ўзаро тажриба алмашишади, бевосита жарроҳлик амалиётларида иштирок этишади. Бу фаолиятимизни янги босқичга кўтаришда кўмак бўлади.

**2018 йил 6 апрель куни Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида мамлакатимизда илк бор, дунё тиббиётида нозик ва мураккаб ҳисобланган инсон аъзоларини кўчириб ўтказиш, яъни трансплантация бўйича замонавий операциялар бажарилди.** Туркиянинг Башкент тиббиёт университети ректори, профессор, Жаҳон трансплантологлар ассоциацияси президенти Меҳмет Хаберал иштирокида ўтказилган жарроҳлик амалиётида 14 ёшли бемор Умиджон Абдуқаюмовга отасининг буйраги кўчириб ўтказилди.



— Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларини янада кучайтириш борасидаги кўрсатмалари асосида тиббиётимиз янги босқичга кўтарилди, десак муболаға бўлмайди, — **дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Абдуҳаким Хаджибаев.** — Бугунги кунда юртимиз тиббиёт муассасаларида энг илғор ва замонавий шарт-шароитлар яратиш ҳамда тиббий хизмат сифатини янада оширишга жиддий эътибор қаратилаётгани, бу борада, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар чиндан ҳам халқ манфаатларига қаратилган. Марказимиз, унинг вилоятлардаги филиаллари, туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари қошидаги бўлимлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги тез тиббий ёрдам хизмати станциялари янада такомиллашмоқда. Шошилинч тиббий ёрдам тизимида илмий-техник ютуқлар ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, замонавий механизмларни татбиқ қилиш, кадрлар тайёрлаш борасида илғор усуллар жорий этиб келиняпти. Бунинг баробарида, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси асосида мамлакатимизда илк бор дунё тиббиётида энг мураккаб ва нозик амалиёт ҳисобланган инсон аъзолари трансплантацияси бўйича замонавий операциялар амалга оширила бошланди. Бундай юқори технологик операциялар ривожланган давлатлардагина бажарилади, холос. Бугун юртимиз тиббиёти ҳам ана шу етакчи мамлакатлар қаторидан жой олди. Ҳозирда трансплантация амалиётларини ўтказиш учун клиникаларимизда етарли тажриба ва техник имкониятлар яратилди. Бугун марказимизда биринчи марта буйрак кўчириб ўтказиш амалиётини бажардик. Башкент тиббиёт университети ректори, Жаҳон трнасплантологлари ассоциацияси президенти Меҳмет Хаберал билан ҳамкорликда мазкур операция муваффақиятли бажарилди.

Таъкидлаш мумкинки, Меҳмет Хаберал Туркия ва Европа давлатларида трансплантология йўналишига асос солган профессор бўлиб, буйрак кўчириб ўтказиш бўйича 1 минг 832 та, жигар кўчириб ўтказиш бўйича

**(Давоми 4-бетда).**

*Тажриба ва амалиёт*

# ОТА ФАРЗАНДИГА ҲАЁТ БАҒИШЛАДИ

эса 344 та операцияга бевосита раҳбарлик қилган.

– Яна бир мураккаб жарроҳлик амалиётини муваффақиятли якунладик, – **дейди профессор Меҳмет Хаберал.** – Ҳа, гувоҳи бўлдимки, Умиджоннинг отаси чиндан ҳам фарзанди учун жонини беришга тайёр экан. Ундаги меҳрни кўриб, навқирон йигитчанинг тузалиши, соғлом ҳаётга қайтишига астойдил бел боғладим. Бугун Умиджоннинг янгидан дунёга келишига сабабчиман, холос. Аслида тиббиётнинг вазифаси ҳам шу – инсонга соғлом ҳаёт бахш этиш. Аввало, давлатингиз раҳбарининг қалбида одамларга нисбатан бўлган чексиз ғамхўрлик ва ҳар бир беморнинг, албатта, тузалиб кетишига бўлган чинакам ишончи сабаб бугун тиббиётингиз янги босқичга кўтарилди. Мана, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида буйрак тарнсплантациясини бажаришга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилган бўлиб, мутахассислар малакаси, техник имкониятлар ва марказ шароитлари юқори даражада эканлигининг гувоҳи бўлдим. Бемор У. Абдуқаюмов сурункали буйрак етишмовчилигининг терминал босқичида бўлиб, қони гемодиализ аппарати орқали тозаланиб келинган. Шукрки, ҳозирги амалиёт муваффақиятли ўтди. Айтиш лозимки, энди марказ мутахассислари бу каби операцияларни бемалол бажара олади. Биласизми, турклар билан ўзбекларни бир арикдан сув ичган катта чинорнинг ҳар ёққа ёйилган навдаларига ўхшатаман. Демак, бизни бирлаштириб турган азалий боғлиқлик туфайли яна бир-биримизга нафимиз тегяпти. Шу ўринда айтмоқчиманки, Ўзбекистонга келиб, кимгадир беғараз ёрдамимни беришга тайёрман.





Дарҳақиқат, шу пайтгача буйрак етишмовчилигидан азоб чекаётган беморлар ҳаёти хавф остида эди. Улар ушбу орган вазифасини тўлиқ бажармаганлиги туфайли қонни гемодиализ орқали фильтрлашга мажбур бўлар, бу эса катта молиявий харажатни ҳам талаб этарди. Бугун мамлакатимиз тиббиётида ривожланган давлатларнинг етакчи мутахассислари ва жаҳон амалиётида синалган дунё тажрибасини қўллаш борасидаги тизимли ёндашув сабаб Ўзбекистонда трансплантация операциялари ўтказилаётгани чиндан ҳам халқимиз мушкулини осон қилмоқда.

– Ҳар бир ота-онанинг зурриёди соғлом юрса, ўзини яхши ҳис қилади, – **дейди донор Илғор Абдуқаюмов.** – Яратганга шукрки, ҳозир ўғлимнинг аҳволи яхши. Аввало, ана шундай шарт-шароитларни яратиб берганлари учун Юртбошимизга ташаккуримни билдираман. Уларнинг олиб бораётган оқилона сиёсатлари туфайли беморлар соғайиб яқинлари бағрига қайтмоқда. Жумладан, ўғлим Умиджон ҳам дарддан халос бўлди. Туркиялик мутахассислар ва шифокорларимизнинг ишига масъулият билан ёндашиши, ширинсўзлиги ва билимлилиги сабаб операция муваффақиятли бажарилди. Шу боис, соҳа ходимларидан миннатдорман.



– Ўғлимни тўрт ёшидан бери шифокорларга олиб бориб, тиббий кўрикдан ўтказиб юрар эдик, **– дейди Умиджоннинг онаси Нилуфар Абдуқаюмова.** – 2017 йилнинг ёз ойларида фарзандим диализга тушиб қолди. Шунда оиламиз оғир аҳволни бошидан ўтказиб, хавотирлана бошладик. Шу пайтда турмуш ўртоғим ёнимда туриб, мени ва ўғлимни тушкунликдан олиб чиқди. Ушбу тиббиёт муассасасига мурожаат қилганимизда ҳозирда буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти ўзимизда ҳам бажарилаётганини айтишди. Бугун ўғлим Умиджон яна оиламиз бағрида, асосийси соғлом. Менимча, она учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Операция пайтида кўнглимдан қандай кечинмалар ўтганини ифодалаб бера олмайман, буни ҳар бир она яхши тушунади. Шифокорларнинг маҳорати туфайли бугун фарзандимнинг қувончи чексиз, оиламизга шодлик ҳадя қилинди.

– Янгийўл туманидаги умумтаълим мактабида 7 синфда таҳсил оламан, турли фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келяпман, **– дейди бемор Умиджон Абдуқаюмов.** – *Келажакда шифокорлик касбини эгаллашни дилимда тугиб қўйганман ва бунинг учун ҳаракат қилмоқдаман. Сабаби, менга тббиёт ходимлари кўп ёрдам беришди. Ҳаётимни сақлаб қолиб, соғ-саломат юришимга астойдил меҳнат қилишди. Мана бугун ҳам саломатлигимда бўлган муаммо бартараф этилди. Яна айтмоқчиманки, менинг дадам, дунёдаги энг яхши дада. Улар менга бугун қайта ҳаёт бахшида этдилар.* Энди яна тенгдошларим билан ўйнаб, футбол машқларида қатнаша оламан. Барча шифокорларга раҳмат.



*Мазкур мураккаб жарроҳлик амалиётининг гувоҳи бўлганимизда, шифокорларнинг маҳоратига тан бердик. Бир неча саот давомида соҳа ходимларининг инсон тана аъзосини кўчириб ўтказиш, бир вақтнинг ўзида икки беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш борасидаги ҳаракат таҳсинга сазовор, албатта. Малакали шифокорлар томонидан отанинг иссиқ жонидан олинган буйрак ўз зурриёдига ўтказилиши яна бир оилага шодлик ҳадя этди. Зеро, бу туйғулар 14 ёшли бемор Умиджоннинг юзидаги табассум, ота-онанинг кўнглидаги таскинда ўз ифодасини топди.*

## *Маҳорат дарси*

***2018 йил 7 апрель куни Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси ҳамда Туркиянинг “Kuch Hospital” клиникаси ўртасида келишув меморандуми имзоланди.***

Шу билан бирга, туркиялик малакали мутахассислар, профессорлар иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди.

Келишувга мувофиқ, Республика кўз касалликлари клиник шифохонасининг 2 нафар шифокори, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг 1 нафар мутахассиси Туркиянинг “Kuch Hospital” клиникасига замонавий диагностика ва даволаш турларини ўрганиш, ўз малакасини ошириш учун юборилади.

– Муассасамиз ушбу йўналишда республика бўйича умумлашган марказ ҳисобланади, – **дейди бош шифокор Отабек Икромов.** – Айтиш мумкинки, шифохонамиз Ўзбекистонда кўз касалликлари мактаби бўлиб, унинг қошида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси жойлашган. Муассасамизда 3 нафар фан доктори, 6 нафар фан номзоди ва 27 нафардан зиёд малакали шифокорлар фаолият юритади. Бугунги кунгача Ҳиндистон, Россия, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик меморандуми имзоланган бўлиб, мутахассислар ўртасида ўзаро тажриба алмашиб келинмоқда. У ерда орттирилган билимларини ўз фаолиятида қўллаб, беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Бугун Туркиянинг етакчи клиникаси билан имзоланган шартнома ҳам айни шу мақсадларга йўналтирилган. Бу эса истиқболдаги амалиётимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**(Давоми. Боши 1,- 3,- бетларда).**



– Ўзбекистонда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз, – **дейди туркиялик шифокор Афсун Саҳин.** Президентингиз раҳнамолигида тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишлар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниб, халқаро экспертларнинг эътирофига сазовор бўлаётганидан ҳам хабарим бор. Тиббиёт муассасаларининг замонавий техникалар билан таъминлангани тиббий кўрикни тез ва самарали ташкил этишга яхши самара беради. Шу билан бирга, касалликларни даволашда ҳамкорлик олиб бориш, халқаро тажрибаларни ўрганиш иш унумдорлигини янада оширади. Айтмоқчиманки, офтальмология соҳасида биргаликда изланиш олиб бориб, янги қирраларни кашф қиламиз. Шифокорларингиз мамлакатимизга бориб, бизнинг соҳа ходимлари эса юртингизга келиб, ўзаро тажриба алмашишади. Бу эса беморларни даволашда, маҳаллий шифокорларнинг амалиётида асосий ўрин тутади, деб ўйлайман.

**Дарҳақиқат, бу каби ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар, аввало, инсон манфаатлари ва унинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда, десак муболаға бўлмайди. Зотан, тиббиётнинг ҳам мақсади — инсон саломатлигига эришишдир.**

**Жонибек МАЪРУПОВ.**

*Ислоҳот ва инсон*

# КАРДИОЛОГИЯ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

***Жорий йилнинг 6 апрель куни Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида янги барча шарт-шароитлар билан таъминланган юқори технологик диагностика ва даволаш биноси фойдаланишга топширилди.***

Ўз ичига бир неча кенг имкониятли бўлимларни қамраб олган муассасанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов, Спикер ўринбосарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ихтисослаштирилган марказ директорлари, профессор-олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир аввалида Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Юсупалиев сўзга чиқиб, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва эришилаётган натижалар хусусида тўхталиб ўтди. Жумладан, аҳолини сифатли ихтисослашган тиббий хизматлар билан таъминлаш, шу йўналишдаги марказлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни хорижий тиббиёт марказлари билан рақобатлаша оладиган даражага олиб чиқиш, беморлар учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, фаолиятга янгича технология ва усулларни татбиқ қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлади. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти ва мазкур даволаш-диагностика биносининг фойдаланишга топширилиши ҳам юқоридаги фикрларнинг ёрқин мисоли эканлигини эътироф этди. Шундан сўнг, тадбир иштирокчилари ҳамроҳлигида бинонинг тантанали очилиш маросими ўтказилди ва меҳмонлар бўлимлар фаолияти ҳамда уларда яратилган шароитлар билан яқиндан танишиб чиқди.

– Юрак қон-томир хасталикларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали даволаш бугунги кунда жаҳон тиббиётининг долзарб вазифасидир, – **дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори, академик Равшанбек Курбонов.** – Ушбу бинонинг фойдаланишга топширилиши бу борада олдимизда турган энг муҳим вазифаларни амалга оширишимизда катта имконият бўлади. Эндиликда, юрак қон-томир касалликлари профилактикаси, диагностика ва даволаш ишларини тизимли олиб бориш баробарида, йилига минг нафардан ортиқ беморда коронарография ҳамда стентлаш амалиётини ўтказиш мумкин. Бундай усул билан юрак қон-томир хасталикларининг энг оғир тури – миокард инфарктининг олди олинади. Қолаверса, авваллари беморларни клиник ва функционал текширувдан ўтказиш учун алоҳида бўлим йўқ эди. Ускуналар турли биноларда жойлашганлиги боис, беморларни текшириш жараёнида маълум бир қийинчиликлар юзага келарди. Бинода жойлашган бўлимлар фаолияти натижасида бу сингари муаммолар тамоман бартараф қилинади. Шуни ҳам алоҳида айтиш жоизки, тиббиётимизга бу каби илғор технологияларнинг кириб келиши туфайли кейинги йиллар мобайнида миокарднинг ўткир инфарктидан содир бўладиган клиник ўлим ҳолатлари 9-10 фоизга камайишига эришилди. Эндиги вазифамиз ушбу ютуқларни ҳудудлардаги тиббиёт муассасалари фаолиятига жорий қилишдир. Ҳозирда бу борада ҳам дастлабки қадам ташланган, яъни айни пайтда марказнинг Наманган вилояти филиали ва Хоразм, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган тиббиёт муассасаларида коронарография ва стентлаш амалиётлари амалга оширилмоқда. Ўз ўрнида буни ҳудудлар аҳолиси учун яратилган катта қулайликлардан бири, деб айтиш мумкин.



Таъкидлаш муҳимки, янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган 3 қаватли бинода беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар мавжуд. Хусусан, икки нафар бемор ётиб даволанишига мўлжалланган хоналар кенг, ёруғ, шинам ва барча қулайликларга эга. Шунингдек, бўлимларда функционал диагностика текширувларини ўтказиш имконияти яратилган. Улар замонавий универсал ва ҳаракатланувчи ангиографик ускунаси, электрофизиологик текширувлар учун "BARD" тизими, рентгеншаффоф электр столи, радиочастотали генератор ҳамда "Cool Flow Pump Stockert Biosense Webster" насоси каби сўнгги русумдаги аппаратлар билан жиҳозланган. Хорижда ишлаб чиқарилган "CIAT" вентиляция тизими эса бино ичи ҳароратини доимий бир хил тоза ҳаво билан таъминлаб туради. Бинонинг биринчи қаватида маъмурий ва функционал диагностика, рентген текшируви ва генетика хоналари жойлашган. Иккинчи қаватдаги интервенцион аритмология бўлими 20 ўринли муолажа хонаси ҳамда сўнгги русумдаги замонавий рентген операцион блокини ўз ичига қамраб олган. Муассасанинг учинчи қаватидаги интервенцион кардиология бўлимида эса рентген эндоваскуляр жарроҳлик блоки фаолияти йўлга қўйилди. Унинг ёрдамида барча турдаги интервенцион операциялари амалга оширилади. Айтиш керакки, шифо масканида яратилган қулайлик ва имкониятлар ҳар қандай хорижий клиникалар шароитидан қолишмайди. Табиийки, бунинг натижасида марказда ҳозирга қадар амалга ошириб келинаётган юрак ва периферик қон томирларини ангиография қилиш ва стентлаш амалиёти, томир орқали юрак туғма нуқсонларини бартараф этиш, кекса беморларда аортал клапанни интервенцион усул билан томир орқали кириб протезлаш, шу билан бирга, буйин, буйрак томирларини стентлаш каби жарроҳлик амалиётлари эндиликда ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан яхшиланади ва кенгаяди. Бундан ташқари, электрофизиологик текширувлар бўлимида юракнинг туғма ва орттирилган аритмияларини даволаш, бўлмачалар фибрилляцияси ва қоринлар аритмияларининг мураккаб турларини ЭФИ усули билан абляция қилиш, 2 ва 3 камерали электростимулятор ўрнатишдек мураккаб операцияларни бажариш, бир сўз билан айтганда, аҳоли саломатлигини таъминлашга қаратилган фаолиятлар самарадорлигини ошириш имкони пайдо бўлди.







**Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини, хусусан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган ислоҳотлар самараси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Амалиётга татбиқ этилаётган янгича ёндашувлар ва юқори технологияли замонавий тиббий асбоб-ускуналар эса тиббиёт тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши, шубҳасиз. Ўйлаймизки, фойдаланишга топширилган мазкур бино ва ундаги бўлимлар фаолиятида юқоридаги фикрларимизнинг амалдаги исботи намоён бўлади.**

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**

*Анжуман*

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР БАРДАВОМЛИГИ

***Маълумки, дунё тамаддуни ривожланишида ер юзидаги халқлар, миллатлар, яъни инсониятнинг ўрни муҳим. Бу тамаддун силсиласи давом этиши учун эса инсон саломатлиги алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, ушбу эзгу мақсадлар манфаатига хизмат қилувчи Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан давлатлар кўмагида бу борада изчил фаолиятлар олиб борилмоқда, хусусан, мамлакатимизда ҳам.***

Шу йилнинг 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан Бутунжаҳон саломатлик кунига бағишлаб ташкил этилган анжуманда ҳамкорликдаги фаолиятлар самараси ва келгуси вазифалар таҳлили атрофлича муҳокама қилинди. Қизғин мунозараларга бой бўлган матбуот анжуманида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар Иттифоқи, алоқадор ташкилот ва идоралар раҳбарлари, масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эльмира Баситханова кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиётида қисқа фурсат ичида амалга оширилаётган ислоҳотларга эътибор қаратди. Жумладан, аҳоли саломатлигини таъминлашда, аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами ва унинг ўз вақтида, сифатли амалга оширилиши, ихтисослашган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш, касалликларнинг олдини олиш, бунинг учун профилактика назоратини кучайтириш, Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимизни тиббий хизматлардан рози қилишга эришиш мамлакатимиз тиббиёт тизимининг устувор йўналишига айланганлиги хусусида сўз юритди. Айни шу мақсадда бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган ўзгаришлар, тиббиётнинг ҳар бир йўналишида кўзланган мақсадлар бўйича бажарилаётган ишлар самараси ҳамда аҳоли саломатлигини таъминлашда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари муҳим ўрин тутганлигини ҳам алоҳида тилга олди. Шунингдек, ушбу ҳамкорлик кўламлари келгусида ҳам изчил давом эттирилишини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан тизимга қаратилаётган эътибор натижасида соғлиқни сақлаш тизими, бунинг баробарида тиббиёт муассасалари фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда. Айниқса, соҳага оид қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар ижроси бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлар самарасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ижобий

**(Давоми 6-бетда).**

*Шаги реформ*

# МИНИСТР ЗДРАВООХРАНЕНИЯ АЛИШЕР ШАДМАНОВ: «УМНАЯ МЕДИЦИНА» И «ЕДИНЫЙ ЦЕНТР МЕДИЦИНСКОЙ ИНФОРМАЦИИ» В ЗДРАВООХРАНЕНИИ УЗБЕКИСТАНА

***В Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 – 2021 годы, в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» обозначены адаптация к действующим условиям и внедрение до конца нынешнего года концепций “Умная медицина” и “Единый центр медицинской информации”.***

Что из себя представляют “Умная медицина” и “Единый центр медицинских данных”? На основе каких принципов они работают? В настоящее время в Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан проводится большая работа по выполнению этих задач и это не может не интересовать наших соотечественников, потому что концепция как новое явление прочно войдет в сферу здравоохранения.

*– Президент Шавкат Мирзиёев в Послании Олий Мажлису особо отмечал необходимость адаптирования к нашим условиям и внедрения концепции “Умная медицина” и “Единый центр медицинской информации”,* – **говорит министр здравоохранения Алишер Шадманов**. – *В странах, которые идут инновационным путем развития, во все сферы широко внедряются “умные технологии”: системы “Умный дом”, “Умное село”, “Умный город” обеспечивают успешное и стабильное развитие. Основная цель “умных технологий” – минимизировать время и силы, достичь высоких показателей. “Умная медицина” и “Единый центр медицинской информации” также разрабатываются на этой основе. Они позволят обеспечить раннее выявление заболеваний, осуществить их дистанционную профилактику. Самое главное, качество услуг будет одинаковым и в отдаленных местностях, и в городах.*

“Единый центр медицинской информации” является электронной базой знаний, содержащей актуальную информацию по рекомендациям лечения пациентов. В базу будет вноситься вся информация касательно успешно пролеченных случаев с рекомендациями по методам и способам диагностики, назначений. Лечащий врач сможет вводить исходную информацию (диагноз, симптомы, аллергические реакции пациента и прочее), задавать поиск аналогичного случая. По результатам поиска врачу будут выдаваться рекомендации и советы по лечению.

*– Преимущества данной системы очевидны,* – **продолжает министр здравоохранения Алишер Шадманов**. – *Прежде всего, это позволит сократить ошибки человеческого фактора. Также повысит процент успешно пролеченных случаев, что, в целом, повысит уровень удовлетворенности населения качеством медицинских услуг. Проще говоря, центр медицинской информации направлен на создание удобств врачам и пациентам.*

Система “Умная медицина” будет предусматривать и учитывать развитие и внедрение инновационных методов диагностики, профилактики и лечения, а также использование новейших достижений в области биотехнологий/фармакологии и нанотехнологий.

Например, посредством специальных чипов, установленных на теле пациента, врач независимо от места нахождения сможет ознакомиться с важной информацией о его текущем состоянии здоровья. К примеру, это может быть температура тела, уровень сахара в крови, артериальное давление, что позволит проводить раннее выявление симптомов заболеваний и предотвращение заболеваний на ранних стадиях развития, мониторинг здоровья пациента.



Для реализации проектов “Умная медицина” и “Единый центр медицинской информации” Министерство здравоохранения тесно взаимодействует с Министерством инновационного развития, Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций, Советом министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и города Ташкента.

**Информационная служба Министерства здравоохранения.**

*Анжуман*

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР БАРДАВОМЛИГИ

**(Давоми. Боши 5-бетда).**

томонга ўзгариб бормоқда.

Шундан сўнг, ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лианн Куппенс сўзга чиқиб, бу йилги Бутунжаҳон саломатлик куни доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар учун “Соғлиқни сақлаш хизматлари билан оммавий қамров: ҳамма учун ва ҳар ерда” мавзуси белгиланганлигини маълум қилди. Яъни, ҳар бир инсон у қаерда бўлишига қарамай, ўзи учун зарур бўлган тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгалигига урғу қаратди. У сўзида давом этиб, ташкилотимизнинг асосий мақсади, аввало, саломатлик устувор бўлиши лозим. Шундагина оила, жамият ва давлат фаровон бўлади. Мақсадимиз, “Ҳеч ким дори воситалари ёки озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишни танлашга мажбур бўлиши керак эмас. Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишга қаратилган саъй-ҳаракатлар барчанинг саломатлигини таъминлашни ўз ичига қамраб олувчи марказга айланиши лозим”лигини билдирди. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш тизимлари ўз олдида турган асосий вазифалари, яъни инсон эҳтиёжлари, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олиш ҳамда тиббий хизматларга оммавий эришиш имкониятини таъминлай олса мамлакатда иқтисодий-ижтимоий тараққиёт бўлади, шу боис, ЖССТ жаҳон мамлакатларини Барқарор тараққиёт мақсадлари келишуви мажбуриятларини бажаришга чақиришини таъкидлади. Маърузачи шу билан бирга, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ташкил топганлигига 70 йил, мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлигига эса 20 йил тўлганлигини эътироф этиб, ўтган йиллар мобайнида қилинган ишлар самараси, жумладан, тиббиёт соҳасида мамлакатимизда эришилаётган муваффақиятларга ҳам батафсил тўхталиб ўтди.




– Бугунги кунда Президентимиз кўрсатмаларига асосан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан даволаш-профилактика муассасаларида амалга оширилаётган ишлар мамлакатимиз тиббиёт тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда, – **дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармаси бошлиғи Фаррух Шарипов.** – Жумладан, халқаро ҳамкорликларнинг кенгайтирилиши, соҳада малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, айниқса, амалиётга юқори технологияли замонавий асбоб-ускуналар ҳамда янгича даволаш усулларининг татбиқ қилиниши натижасида фаолиятларда ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Давлатимиз томонидан биргина ихтисослашган тиббий хизматлар сифатини ошириш мақсадида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолиятида жорий этилаётган ислоҳотлар туфайли энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ҳам бугун мамлакатимизда маҳаллий мутахассисларимиз томонидан юқори даражада бажарилмоқда. Мисол учун биргина инсон аъзоларини кўчириб ўтказиш, яъни буйрак ва жигар трансплантацияси операциялари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ушбу марказлар филиалларини вилоятларда ҳам ташкил қилиш, бу орқали ихтисослашган тиббий хизматларни аҳолига яна бир қадам яқинлаштириш борасида ҳам тизимли ишлар қўлга қўйилмоқда. Бу ислоҳотлар эса ҳам халқимиз, ҳам мамлакатимиз иқтисодиётини тежашга хизмат қилмоқда.



– Бугунги анжуманнинг ҳар йилгиларидан фарқли ва аҳамиятли жиҳатини танланган мавзунинг долзарблиги белгилаб беради, – **дейди Республик ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Наргиза Парпиева.** – Ҳақиқатан ҳам, тиббий хизматлар ҳамма учун. Бундан бошқача қараш ҳам бўлиши мумкин эмас. Табиийки, бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида аҳолимизнинг барча қатламини тиббий хизматлар билан қамраб олинган. Хусусан, силга чалинган беморлар бўйича қайси ҳудудда истиқомат қилишидан қатъий назар, ташхислаш ва даволаш ишлари юз фоиз бепул амалга оширилади. Бунинг учун барча шароитлар мавжуд, албатта. Бу борада асосий вазифамиз бу каби хасталикларнинг олдини олишдан иборатдир. Шу мақсадда кўпроқ профилактика ишларига эътибор қаратилмоқда. Яъни бирламчи тизим фаолиятидан бошлаб, тарғибот ва тушунтириш ишлари кучайтирилмоқда. Аҳолига сил касаллигининг бедаво эмаслиги, у наслдан-наслга ўтмаслиги ҳақида батафсил маълумотлар берилмоқда.

**Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугун мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида олиб борилаётган изчил фаолиятлар аҳоли саломатлигини таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилади.**

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Сарҳисоб*

# ФАОЛИЯТЛАРГА ТАҲЛИЛИЙ-ТАНҚИДИЙ ЁНДАШУВ

**Яқинда Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишни Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг раиси Зафар Сидиқов кириш сўзи билан очиб, ассоциация томонидан олиб борилган фаолиятларга тўхталиб ўтди. Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг ижрочи директори Зоҳид Абдураҳимов ташкилотнинг 2017 йилда амалга оширган ишлари хусусида маълумот бериб ўтди. Маърузачи 2017 йилда ҳам Ўзбекистон врачлар ассоциацияси ўзининг Устави ва 2016 йил 19 декабрдаги 59-сонли буйруғи билан тасдиқланган вазифалар асосида ва вилоятларга чиқиб маҳорат дарслари олиб борилганлигини, шу билан бирга, 2 та "Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бюллетени" ва "Ўзбекистон умумий амалиёт врачлар ахборотномаси" журналлари йил давомида 4 марта нашр қилинганлигини тилга олди. Маърузачи самарали фаолиятлар билан бирга ўтган йилларга нисбатан ижобий натижаларга эриша олмаганликларини, бунинг боиси, айрим шифокорлар малака тоифа олишларида берилган соатлар маълум вақт давомида тушунмовчилик сабабли ҳисобга олинмаган бўлса, иккинчи томондан врачларни қизиқтириш масаласига етарли эътибор берилмаган деб хулоса қилиш мумкинлигини таъкидлади. Биринчи масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш республика маркази директори Аҳрор Ярқулов 2017 йил ноябрь ойида ўтган конференцияда тўлиқ маълумот берганлигини айтиб ўтди.



фаолият юритганини айтиб, ўтган йилда ассоциация аъзоларининг сони 34005 тани (2016 йилда 36063) ташкил этганини маълум қилди. Шунингдек, маърузачи ташкилот фаолиятига эътибор қаратиб, унда Президиум аъзолари ва тор ихтисосликдаги бўлимларнинг ўрни муҳимлигини таъкидлади, 2017 йилда 6 марта Президиум йиғилишида 19 та масала кўрилди, шу билан бирга бўлимларга 7 та хат юборилганлигини, онлайн тарзда кенгаш ва навбатдан ташқари конференция бўлиб ўтганлигини алоҳида таъкидлади. Яна шуни айтиб ўтдики, тор ихтисосликдаги 14 бўлим томонидан 41 та мақола, 2 та монография, 32 та ўқув ва услубий қўлланма, 11 та конференция, 34 та семинар

– Яна шу ўринда таъкидлашим муҳимки, врачлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб, бу борада ҳам олиб борилган ишлар тўлиқ бажарилди, деб айта олмаймиз. Шундай экан, врачларнинг тиббий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар бўйича билим даражасини ошириш энг устувор йўналишларимиздан бўлиб, яқин хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда фаолиятимизни такомиллаштиришимиз лозим.

Бундан ташқари, "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг 152 бандини, яъни "Шифокорларни касбий хатосини аниқлашнинг таъсирчан тизимини жорий қилиш" бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрланиши кўзда тутилган. Фахрий врачларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2017 йилда барча вилоят бўлимларида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Унда ассоциация томонидан 30 нафар фахрий врачга 4 500 000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу каби тадбирлар барча бўлимларимизда ҳам мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Шунингдек, тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йилдан бери ҳар йили Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Президиуми томонидан "Олий таълим муассасаларига Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг стипендиясини бериш тўғрисида"ги низомига асосан 2017 йилда 6 нафар талабага Ўзбекистон врачлар ассоциацияси стипендияси берилди. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатига берилган бўлсада, Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг мутахассислари даволаш-ташхисот стандартларини ишлаб чиқишда иштирок этиб, жумладан даволаш-ташхисот стандартларининг шаклини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари билан бирга ассоциациямиз аъзолари ҳам ҳамкорликда иш олиб боришди. Шу билан бирга, хусусий соғлиқни сақлаш тизими ва "Ибн Сино" жамоат фонди билан фаолиятимизни давом эттириб келмоқдамиз. Тиббиёт соҳасига доир ҳуқуқий ҳужжатларни, яъни ишлаб чиқишда тиббиёт муассасаларини аккредитация қилиш, тиббий суғурта ва тиббий туризм тизимини жорий қилиш бўйича концепцияни тайёрлашда мутахассисларимиз мунтазам иштирок этиб келишмоқда. Барча фаолиятлар қатори халқаро ҳамкорлик ишлари ҳам тўғри йўлга қўйилган. 2017 йилнинг ноябрь ойида Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Россия тиббиёт палатаси томонидан ташкил этилган "Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш тизими – муаммолар ва уларни бартараф этиш" номли конгрессида Ўзбекистон врачлар ассоциацияси раиси З. Сидиқов иштирок этиб, маъруза қилди. 15-18 декабрь кунлари Евроосиё давлатларида замонавий технологияларни ривожлантириш янги компаниясининг таклифига биноан ассоциация ходимлари Хитой Халқ Республикасида хизмат сафарида бўлиб, 17 декабрь куни Хитой фанлар академиясида ассоциация ходимлари Ўзбекистон врачлар ассоциациясида амалга оширилаётган ишлар бўйича маълумот берди дейди, – **Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг ижрочи директори Зоҳид Абдураҳимов.**



Шу билан бирга, маърузачи Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг молия хўжалик фаолияти тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди.

Шунингдек, кун тартибидан ўрин олган масалалар бўйича Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг 2017 йилдаги молиявий аҳволи ҳамда ассоциациянинг вилоят бўлимлари ва Ўзбекистон валеологлар ассоциацияси ва Ўзбекистон хусусий врачлар ассоциацияси вакилларининг ахборотлари тингланди. Конференция сўнгида Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг келгусидаги устувор йўналишлари, жумладан, врачлар билан учрашувлар ўтказиш, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш, масофадан ўқитиш ишларини ривожлантириш, ассоциация аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни такомиллаштириш, фахрий врачлар қўмитасини ривожлантириш, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш каби масалалар белгилаб олинди.

**Кун тартибидан ўрин олган масалалар муҳокама этилиб, ассоциациянинг тегишли қарори қабул қилинди.**

**Ибодат СОАТОВА.**

*Здоровая мать – здоровый ребенок*

# ДАРИТЬ ЛЮДЯМ СЧАСТЬЕ И РАДОСТЬ

***Под руководством Президента Шавката Мирзиёева в стране осуществляется широкомасштабная работа по дальнейшему укреплению репродуктивного здоровья населения, улучшению материально-технической базы и кадрового потенциала медицинских учреждений, оказывающих помощь в сфере охраны материнства и детства.***

*– Забота о здоровье человека, охрана материнства и детства приобретают все большую значимость,* – **рассказывает главный врач Городского родильного комплекса № 2 Нодир Кадиров**. – *Исходя из поставленных руководством страны задач, мы последовательно внедряем современные методы диагностики, лечения и профилактики заболеваний женщин и новорожденных. Уделяем особое внимание обеспечению безопасной беременности и родов, повышению качества медицинской помощи, профилактике и лечению бесплодия, инфекционных и онкологических заболеваний, ведем разъяснительную работу среди населения.*

Расположенный в Алмазарском районе родильный комплекс расчитан на 186 койкомест. Здесь работают два акушерских и два операционных отделения, отделения гинекологии, детской и взрослой реанимации. При поддержке государства создана хорошая материально-техническая база для оказания квалифицированной медицинской помощи матерям и новорожденным. За последние два года приобретены мониторы, хирургические приборы, микроскопы и электронные весы. Согласно проекту "Здоровье-3" завезены автоклав, дистиллятор, пеленальные и обогревающиеся столы для новорожденных, аппарат для искусственной вентиляции легких, современная система кислородного обеспечения. Комплекс оснащен современным оборудованием для проведения интенсивной терапии и различными видами анестезиологических пособий.

В 2018 году был открыт кабинет озонотерапии, где оказываются услуги женщинам страдающим нарушениями кровообращения плода, токсикозами, бесплодием, воспалением малого таза. Эффективное использование медицинского оборудования дает возможность осуществлять профилактику, тщательное обследование и своевременное лечение целого ряда заболеваний.

В нынешнем году при государственной поддержке начнется реконструкция и переоснащение корпусов родильного комплекса.

В настоящее время в клинике работают 68 врачей. 45 из них обладают высшей категорией, трое являются кандидатами медицинских наук. На базе родильного комплекса функционирует кафедра акушерства и гинекологии Ташкентского института усовершенствования врачей. Совместно со специалистами кафедры проводятся гинекологические операции, мастер-классы акушеров-гинекологов.

Благодаря стараниям специалистов созданы хорошие условия для совместного пребывания матери и ребенка, правильного и оптимального грудного вскармливания. Всем пациенткам на бесплатной основе предоставляется консультация опытных гематологов, урологов, эндокринологов, нефрологов и в соответствии с их рекомендациями проводится соответствующая терапия. Женщины с ожирением проверяются на скрытую форму сахарного диабета.



Качество медицинских услуг стимулирует рост числа пациентов. Только в 2017 году курс стационарного лечения прошли около 16 тысяч женщин. А в первом квартале 2018 года данный показатель достиг трех тысяч человек. 855 женщин стали роженицами.

В родильном комплексе открыта консультативная диагностическая поликлиника, на базе которой имеются кабинет физиотерапии, УЗИ, УЗИ-доплер, аппарат для проведения кольпоскопии и фитобар. В течение 2017 года здесь прошли амбулаторное лечение более 33 тысяч представительниц прекрасного пола. Остается добавить, что врачи родильного комплекса на регулярной основе проводят разъяснительную работу в 58 махаллях Алмазарского района. Неплохие результаты дают и меры по совершенствованию системы патронажа, оздоровлению женщин фертильного возраста, расширению экстренной акушерской помощи, иммунизации и профилактике острых респираторных инфекций, активному привлечению населения к участию в мероприятиях и программах по улучшению ухода за матерями и новорожденными, пропаганде здорового образа жизни.

**Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Фото автора.**

Реклама

# ПРОБЛЕМА «БОЛЬ В СПИНЕ» – РЕШАЕМА!

## Лечение и профилактика патологий позвоночника на аппаратах "ОРМЕД"

***В настоящее время существует множество разнообразных способов консервативного и хирургического лечения дистрофических заболеваний позвоночника, но проблема "боль в спине" так и не решена.***

Здоровый позвоночник является основой благополучия организма человека. Почему же из надежной опоры он вдруг превращается в источник мучений, а боль в спине становится чуть ли не нормой? В России около 90 % населения в возрасте старше 30 лет имеют проблемы со спиной. Основная причина заключается в том, что человек за последние годы изменил свой образ жизни. Физическая нагрузка уменьшилась во много раз, а нервно-психическое перенапряжение достигло критического уровня. Все перечисленное, в конечном итоге, приводит к функциональным нарушениям, а затем и к патобиомеханическим изменениям в позвоночном столбе. Сначала ослабевают мышечная опора и мышечный корсет позвоночника. Мышцы перестают играть роль амортизаторов и нагрузка переходит на кости, межпозвонковые диски, и связочный аппарат позвоночника. Последний со временем начинает деформироваться, а позвонки смещаются, что приводит к ущемлению корешков спинномозговых нервов и проявлению всем известных болей в спине, "прострелов", и всех других "радостей" радикулита. Однако же, самые частые причины болей – вертеброгенные болевые синдромы, патогенетически связанные именно с изменениями позвоночника. К ним относятся поражение поясничных и крестцовых корешков при грыже межпозвоночного диска, стеноз центрального и латерального позвоночного канала, спондилолистез, артропатический синдром при дегенеративном поражении дугоотростчатых суставов.

Сегодня в профилактике и восстановительном лечении заболеваний опорно-двигательного аппарата позвоночника большое внимание уделяют средствам механического воздействия. Правильно разработанные и научно обоснованные сочетания различных физических факторов механической природы представляют большую ценность для лечебной практики.

### Воздействие роликов-массажеров в сочетании с подогревом и вибрацией:




*Рис. 1.*

**Ролики, перемещаясь вдоль позвоночника, разминают, сжимают-разжимают мышечную ткань, производя массаж, более эффективный, чем ручной. Происходит микровытяжение позвоночника. Вибрация и тепло дополнительно расслабляют мышцы.**

**Снимаются функциональные блоки, восстанавливаются глубокие мышцы, уходит боль в спине.**

Снять напряжение с мышц спины, поставить на место сдвинутые позвонки, восстановить утраченную гибкость позвоночника, а, следовательно, устранить сдавливание нервов возможно, если механически воздействовать на позвоночник, регулярно и своевременно производить виброрелаксационную коррекцию смещенных позвонков. Одним из таких методов механического воздействия на позвоночник и на его костно-суставные элементы является аппаратно-вибротракционный метод механического воздействия с помощью декомпрессионных аппаратов серии "ОРМЕД". Основными действующими факторами предложенных аппаратов являются дозированное осевое вытяжение и локально-вибрационное механическое паравертебральное воздействие на позвоночный столб с помощью обкатывающих роликов-массажеров (Рис. 1), жестко соединенных с вибратором.

При этом применяется сочетанный метод комплексного лечения, так как физические факторы – вытяжение (тракция), вибромассаж, обогрев, виброкоррекция позвонков действуют одновременно (одномоментно) и подаются на один и тот же участок тела – позвоночник, в виде одной процедуры. В результате происходит усиление взаимовлияния физических факторов на физиологической основе их совместного действия, что формирует новые лечебные эффекты. Эффективность применения предложенной методики не вызывает сомнения, так как многочисленными исследованиями установлено, что при дозированном вытяжении позвоночника происходит увеличение высоты межпозвонкового диска, снижение внутридискового давления, способствующее декомпрессии спинномозговых корешков и позволяющее проводить виброкоррекцию позвонков. При этом виброкоррекция проводится паравертебрально с помощью роликов-массажеров, сообщая позвонкам поперечное силовое механическое воздействие и заставляя их "плавать" в мягких мышечных тканях, преодолевая межсуставное сцепление.

Поэтому методики медицинской реабилитации, основанные на механотерапии, являются патогенетически оправданными и эффективными для наибольшего числа пациентов с дистрофическими заболеваниями позвоночника.

Аппараты серии "ОРМЕД" позволяют за счет многокомпонентного механического воздействия на паравертебральные продольные мышцы спины достичь релаксации за 3-10 минут. Весь сеанс тепловиброрелаксационно-роликового массажа с параллельным дозированным вытяжением занимает всего 10-15 минут, что по данным исследований является оптимальным для активизации лимфо- и кровообмена в позвоночных и околопозвоночных структурах. Аппараты могут быть установлены в неврологических, физиотерапевтических, реабилитационных отделениях больниц, поликлиник, санаториях и центрах.

Все параметры процедур на данных аппаратах дозируются и настраиваются электронно, аппараты многофункциональны и современны, на них достигаются высокие результаты лечения заболеваний позвоночника, таких как различные неврологические проявления остеохондроза, грыжи и протрузии межпозвонковых дисков, и другие виды дорсопатий.

И если уж у относительно здоровых лиц имеется предрасположенность к появлению заболеваний позвоночника, то при уже сформировавшемся остеохондрозе позвоночника регулярные аппаратные тренировки паравертебральных мышц позвоночника на таких многофункциональных механотерапевтических установках, как "ОРМЕД-профессионал" (рис 2.) крайне необходимы.

НВП "Орбита" – одно из немногих современных производителей декомпрессионных аппаратов, которые в комплексе позволяют лечить межпозвонковую грыжу без хирургического вмешательства. Обобщение опыта врачей в применении серии аппаратов механотерапии "ОРМЕД" в лечении и восстановлении функционального состояния позвоночника помогают компании "Орбита" внедрять новые функции в существующие модели и вести новые научные разработки.




*Рис. 2.* ролики-массажеры

### Воздействие роликового вибромассажа и вытяжения позвоночника:




**До проведения процедур:**
**При воздействии вертикальной нагрузки на позвоночник F дин. и других факторов позвонки начинают сближаться и на межпозвонковый диск действует сила F вытал. Образуется выпячивание, называемое грыжей диска. Грыжа давит на нервные корешки, возникает боль.**




**Под воздействием роликового массажа и вытяжения действует сила вытяжения F выт., которая отодвигает смежные позвонки. На грыжу диска действует сила F вт., всасывающая грыжевое выпячивание.**

**"ОРМЕД-профессионал" показал высокую эффективность для лечения боли в спине. Аппарат зарегистрирован в Республике Узбекистан. По вопросам реализации обращайтесь к менеджерам по телефонам +7 (347)227-54-00, +7(347)281-45-13, или по электронной почте ormed@ormed.ru. Skype: nak20011**
***Адрес: 450095, Россия, г. Уфа, ул. Центральная, 53/3.***

**Проводится обучение работе на оборудовании!**

**НВП "Орбита" осуществляет полное сервисное обслуживание своей продукции, сообщает о новинках, также на сайте предприятия www.ormed.ru всегда можно найти актуальные отзывы работающих с аппаратами фирмы врачей, а также получить консультацию по их эксплуатации и методиках лечения.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 4705 нусха.
Буюртма Г-437.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.
Суратлар муаллифи
Акром АБДУЛЛАЕВ ва Жасур ЖАЛИЛОВ.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz Топширилди – 22.55. 1 2 3 4 5